



ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИНГ СУДЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Турсункулов Бобиржон Козимжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни Муҳофаза Қилиш Академияси

“Судларда прокурор ваколатларини таъминлаш ҳамда

ижро иши юритуви” кафедраси

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши магистранти

Аннотация : *Мазкур мақолада ривожланган давлатлар — Россия, Германия, Франция, Япония, АҚШ каби мамлакатларда якка меҳнат низоларининг судларда кўриб чиқиши, уларнинг институтлари, тартиб-таомиллари ва миллий меҳнат қонунчилигидан фарқли жиҳатлари ўрганилади. Хорижий тажрибалар асосида меҳнат низоларини ҳал этишда муқобил механизмлар, судлар ихтисослашуви ҳамда медиация институтининг роли таҳлил қилинади. Ўзбекистон учун самарали бўлиши мумкин бўлган таклиф ва тавсиялар берилади.*

Калит сўзлар: *меҳнат низоси, меҳнат суди, медиация, арбитраж, иш берувчи, ходим, ихтисослашган судлар, хориж тажрибаси.*

Глобал иқтисодий жараёнларнинг жадаллашуви меҳнат муносабатларининг мураккаблашувига олиб келмоқда. Бунинг натижасида якка меҳнат низолари ҳам кўпайиб, уларни самарали ҳал этиш учун махсус институт ва механизмлар шакллантирилмоқда. Хорижий тажриба меҳнат низоларини кўриб чиқишда ихтисослашган судларнинг мавжудлиги, медиация ва арбитражнинг ривожланганлиги, шаффоф ва тезкор суд тартиб-таомилларига эга эканлиги билан ажралиб туради. Ушбу мақола икки йўналишни қамраб олади: (1) турли давлатлардаги меҳнат суд тизими; (2) ушбу тажрибанинг Ўзбекистон учун амалий аҳамияти.

Россия Федерациясининг Меҳнат кодекси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қабул қилингандан кейин қабул қилинган бўлиб, унда бизнинг моделдан фойдаланилган. Аммо, Россия Федерациясининг Меҳнат кодекси бир қанча мукамалроқ бўлиб, ҳар томонлама ҳуқуқий муносабатларни кенгрок қамраб олган.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 60-боби якка меҳнат низоларини кўриш тартибини белгилаб беради. 381-моддада якка меҳнат низоларига таъриф берилган бўлиб, ушбу модда якка меҳнат низоси ҳисобланувчи келишмовчиликларни тўлиқ очиб беради. Масалан, унда фақат иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишмовчиликлар эмас, балки иш берувчи ва иш сўраб мурожаат қилган ва уни ишга қабул қилиш рад қилинган шахслар ўртасида



юзага келувчи келишмовчиликлар ҳам якка меҳнат низоси сифатида эътироф этилган. Россия Федерациясида меҳнат низолари комиссиясида ва судда меҳнат низоларини кўриш тартиби миллий қонунчилигимиз билан ўхшаш, лекин Россия Федерацияси Меҳнат кодекси судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга шахсларни ва улар айнан қайси масала ёки низо юзасидан мурожаат қилиши мумкинлигини янада аниқлаштириб берган (Россия Федерацияси Меҳнат кодекси 391-модда).

Шунингдек, Россия Федерацияси Меҳнат кодексида жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриш тартиби жуда мукамал тарзда баён қилинган бўлиб, бунда жамоаларга доир меҳнат низоларини кўришнинг процессуал жиҳатлари, иш ташлаш ва унинг оқибатлари мазкур кодексида нормалар асосида тартибга солинган.

Россия Федерацияси Меҳнат қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигидан фарқли равишда инсоннинг ўзини ўзи ҳимоялаш ҳуқуқи алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, Россияда жамоаларга доир меҳнат низоларини медиация воситасида ҳал қилиш йўллари ҳам Россия Федерацияси меҳнат кодексида ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин. Дикқатимизни Латвия Республикасининг Меҳнат қонунчилигига қаратадиган бўлсак, Латвияда меҳнат низоларини кўриш алоҳида қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонун 2002 йил 16 октябрда қабул қилинган бўлиб, “Меҳнат низолари тўғрисида”ги қонун⁵² деб номланади.

Ушбу қонун 4 бўлим, 21 моддадан иборат бўлиб, якка ва жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриш тартибини белгилаб беради. Қонуннинг 2-моддасига асосан, меҳнат муносабатларидан ва меҳнат билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган ходим, ходимлар (ходимлар гуруҳи) ёки ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчилар, ёки иш берувчилар бирлашмалари ўртасидаги ҳар қандай низолар меҳнат низолари ҳисобланади.

Демак, меҳнат низоларини, асосан, якка меҳнат низоларини кўришда медиацияни қўллаш келгусида ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин. Айниқса, меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган босқичда ёки айнан бекор қилиш босқичида медиатор (воситачи)нинг маслаҳатларидан фойдаланиш бу борада ходим ва иш берувчи ўртасида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олади десак адашмаган бўламиз. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида ҳам “Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, меҳнат низоларини кўришда ва ҳал қилишда воситачининг ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда медиация (воситачилик) фақат судгача фуқаролик ва хўжалик низоларини ҳал этиш воситаси сифатида эмас, балки меҳнат низолари келиб чиққанида тарафларнинг келишувига эришиш воситаси сифатида ҳам кенг

⁵²Қаанг: www.latvia.news-city.info/

қўлланилиши фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини янада таъминлаган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг **Меҳнат кодекси**, 2023.
2. Хасанов Б. *Меҳнат низоларининг ҳуқуқий тартибга солиниши*. Тошкент, 2021.
3. Абдурахмонов Қ.Х. *Меҳнат ҳуқуқи*. Тошкент: “Iqtisodiyot”, 2020.
4. Рахмонов Ж. *Халқаро меҳнат ҳуқуқи асослари*. Тошкент, 2022.
5. Қодиров Б. *Солиштирма меҳнат ҳуқуқи*. Тошкент, 2023.
6. СНГ стран – «Трудовые споры и порядок их разрешения». Москва, 2020.